

(КПСС XXVII съезди материалларидан).

И Ш А ЛАРДА Д И Й

Ўрнатish ва мустаҳкамлаш учун кураш қатъиянчилик билан қурдошлар тўғрисида ҳикоя қилувчи ҳужжатларни тўплашга оид иш ҳам авж олдириб юборди. Ўзлада дастлабки коллекциядагиларни, саводсизларни тугатish курсларини ташкил этган кишилар А. Шукров, Х. Раҳматов, Н. Хирояров тўғрисида ҳикоялуви фотосуратлар, газдан қирқиб олинган парча топилди. Ҳужаликнинг ёш димлари, ўқувчилар қолдирган, унинг кишилари тўғрисида, мактабга ва киши Советига номи берилган жам шoir Султон Жура ҳам да уруш ва меҳнат ватенлари, КПСнинг кека аъзалари билан учрашувлари билиб оладилар.

(ЎЗТАГ мухбири)

САНЪАТ ОЛАМИДА

ИЖОДИЙ СОЮЗЛАР ИШИНИНГ АСОСИЙ ЯКУНИ РЕЗОЛЮЦИЯЛАР ВА МАЖЛИСЛАР БИЛАН ЭМАС, БАЛКИ ХАЛҚНИНГ МАЪНАВИЙ ҲАЁТИНИ БОЙИТИШГА ҚОДИР БУЛГАН ТАЛАНТЛИ, ОРИГИНАЛ, ЖАМИЯТГА КЕРАКЛИ КИТОБЛАР, ФИЛЬМЛАР, СПЕКТАКЛЛАР, КАРТИНАЛАР ВА МУЗИКА АСАРЛАРИ БИЛАН БЕЛГИЛАНАДИ.

(КПСС XXVII съезди материалларидан).

БУГУН—ХАЛҚАРО ТЕАТР КУНИ

Жаҳон саҳна санъатининг тараққиёт парвар арбоблари ва кўп сонли томошабинлар бугун Янгирма бешинчи марта Халқаро театр кунини нишонламоқдалар. Театр санъати — саҳна билан томошабинлар ўртасидаги доимий ҳаётнинг диалогдир. Бу — ўзини ва ўз даврини, оламда, тарих ҳаётини ўз ўрнини яхшироқ тушуниб олишга интилаётган замонашарларнинг мусохабасидир. Унинг қанчалик маъмурий бўлиши театрларнинг ҳаёт пулсини сезирилик билан пайқаб олишга, томошабинларнинг туғилганларининг муаммоларига маҳорат ва ҷўшқинлик билан акс-садо беришга боғлиқдир.

Кўп миллатли совет театри арбоблари ўз байрамларини КПСС XXVII съезди қарорларини амалга оширишга қатъий бед боғлаган ҳолда кўтиб олдилар. Ленин партиясининг жамиятимиз барча

соҳалари тараққиётини жадаллаштириш тўғрисидаги қўрсатмалари совет санъати учун ғоятда муҳимдир. Шунинг учун ҳам илгор замонашарларнинг образларини яратиб совет драматургияси ва театри учун биринчи даражали ва зифа бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Ҳозир театр билан томошабинлар ўртасида яхши муносабатлар ўрнатилган. Санъат қорхоналари, цехлар, қолқозлар ва совхозлар билан ижодий шартномалар тузилмоқда. Театрларнинг маданият саройлари ва клублари филмларни очилмоқда. Бу ижодий ҳамкорликни ривожлантириш имкониятини берилади.

Совет театр арбоблари инсонпарварлик ғояларини қарор топтириш, тинчликни мустаҳкамлаш ишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.



СУРАТДА: Тошкент театри санъатлаштирган «Отелло» (В. Шекспир асари) спектаклидаги бош ролларни ижро этувчилар. Чапдан ўнгга: А. Навоий номидаги давлат академик

Катта театрининг солисткаси Ш. Тўхтабоева, Ҳамза номидаги Академик драма театрининг санъаткорлари — Ўзбекистон ССР халқ артистлари Т. Азизов ва С. Норбоева, А. Навоий номидаги давлат академик

даги давлат академик Катта театрининг солисти, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Л. Пинхасов.

А. Рискен фотоси (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ оперетта театри ташкил этилганга энди ўн тўрт йил бўлди. Ана шу даврда театр кутилганлик шаклланди. Бугунги кунда унинг ўз репертуари, актёр ва актрисалари, авторлари бор. Ёнг муҳими, кенга саҳна санъати даргоҳи ҳозир ўзининг ижодий қиёбасига эга.

Кейинги беш йил театр учун айниқса самарали бўлди. Шу даврда саҳналаштирилган асарларнинг аксарияти яхши спектакллардан деб эътироф этилди. Бу оперетталар қардош республикалар шаҳарларида кўрсатилганида катта қизиқиш билан кўриди, маданият арбоблари ва сайёатшунослар томонидан яхши баҳоланди. Свердловск музикали комедия театрининг бош режиссёри, СССР халқ артисти Владимир Курочкин театр ҳақида гапириб шундай деган эди: «Тошкент оперетта театри репертуарининг ўзига хослиги билан диққатга сазовор. Актёр ва актрисаларнинг ижрочилиги анча йиллардан бери оперетта соҳасида ишлаб келатган артистларнинг маҳоратидан қилинган. «Хўжа Насриддин» спектаклини совет опереттасининг оригинал намуналаридан бири деб айтиш мумкин».

Владимир Курочкин ҳозир Тошкентда, театри билан гастролда. У келган кунининг эртасигаёқ оперетта театрини қардош республикалар билан бирга гапириб шундай деган эди: «Тошкент оперетта театри репертуарининг ўзига хослиги билан диққатга сазовор. Актёр ва актрисаларнинг ижрочилиги анча йиллардан бери оперетта соҳасида ишлаб келатган артистларнинг маҳоратидан қилинган. «Хўжа Насриддин» спектаклини совет опереттасининг оригинал намуналаридан бири деб айтиш мумкин».

Хоразм областида ўзига хос репертуари ва ижрочилиги билан танилган бадий ҳаваскорлик коллективлари анчагина. Хонқа районидagi «Ленинград» колхозининг бадий ҳаваскорлик коллективи ана шундай ансамбллардан биридир.

Ҳаваскорлик коллективи Улуғ Октябр социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган Иккинчи Бутуниттифок халқ ижодий фестивалида актив қатнашмоқда. Унинг иштирокчилари турли касб эгаларидир. Масалан, Ойнажон Йўлдошева — колхозчи, Исом Этамбердиев — тракторчи, Роза Ёқочева — болалар боғчасининг тарбиячиси, Ойгул Йўлдошева — кутубхоначи, Ойнажон миллий халқ рақсларини севиб ижро этса, Ойгул ўзбек халқ кўшиқларини алоҳида муҳаббат билан кўйлади.

СУРАТДА: колхоз ҳаваскорлик коллективининг актив иштирокчиларидан бўлган олашнинг Ойгул ва Роза Йўлдошевлар.

С. Величкин, Қ. Отаевлар фотоси (ЎзТАГ).



ҲАМКОРЛИК

томошабинлар театрининг маърифат асарларидан бири деб қўришди, қадрлашди.

Театрининг композитор Э. Марк Солиҳов билан бўлган ижодий ҳамкорлиги туфайли урта спектакль саҳналаштирилди.

Композиторнинг биринчи асари «Ойгулнинг совғалари» деб аталган бўлиб, у ўзбек халқ эрталари мотивлари асосида ёзилган. Халқ ижодига муносабат қилиб, асар яратиб анча мураккаб. Лекин театр ва композитор ўзига хос, ёрқин образлари билан аксариб турган оперетта саҳналаштириди. Илк ҳамкорлик илҳом бағишлади. Орадан кўп ўтмай, «Ғаройиб доира» деган спектакль ҳам

ҳақида аксариб туради. Бу асарни саҳна санъатинида ўзига хос воқеа десак хато қилмаган бўлаемиз.

Саънаат илҳомидан «Насриддин Бухорода» фильмининг яхши билиши. Ана шу картина ижодкорларидан бўлган драматург В. Виткович оперетта театри учун яхши вақтда халқчил образлар талқин қилганлар. Шунинг эътиборидики, опереттада иштирок этадиган ҳар бир ижрочи халқ Насриддиннинг моҳиятини, унинг ҳаётбахшилигини тўла тушуниб ўйнайди.

Тошкент театрида саҳналаштирилган «Хўжа Насриддин» спектакли тез орада халқ тилига ва дилига тушиб, у деярли кунора намо-

БАХТЛИ БОЛАЛИК ИЗЛАНИШЛАРИ

Республикада Улуғ Октябр социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган Бутуниттифок халқ ижодий фестивали давом этмоқда. Тошкент шаҳри ва области халқ ҳаваскорлик коллективлари фестивалнинг ташкилоти оғилиш программасини «Октябрь берган салват» деб атадилар. Клубларда, завод ва фабрикалар, маданият саройларида, олий ва ўрта махсус ўқув юртилари, халқ театрларида интириган куй ва кўшиқлар Октябр берган ана шу санъат тароналаридир.

Ўзбекистон ССР Маданият министри, Маориф министри ва касса соҳалари республика Совети билан ҳамкорликда «Улуғ Октябр социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган иккинчи Бутуниттифок халқ ижодий фестивалини тайёрлаш ва ўтказиш даврида республикада болалар ҳаваскорлик санъатининг кейинги тараққиёт йўллари» маъ-

зуида семинар-кенгаш ўтказди. Унда болалар бадий коллективларининг раҳбарлари қатнашдилар.

ИККИНЧИ БУТУНИТИФОҚ ХАЛҚ ИЖОДИЙ ФЕСТИВАЛИ

Семинар-кенгашда «КПСС Марказий Комитетининг «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишнинг янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорини бажаришда маданият муассасаларининг рол» ва бошқа бир қанча темаларда докладлар қилинди.

Республикада таниқли болалар бадий коллективлари бор. Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиозинтириш давлат комитетининг тайёрлаш ва ўтказиш даврида республикада болалар ҳаваскорлик санъатининг кейинги тараққиёт йўллари» маъ-

саройи қошидаги «Гунча», «Пахтаой», «Юлдуз» ансамбллари ана шундай коллективлардан. Тошкент области Янгйўл районидagi болалар цирк коллективининг ҳам муҳимлиги кўп. Семинар-кенгашда ана шу бадий коллективларнинг тажрибали раҳбарлари ўртоқлашди. Вокаль-чолгу ансамблларининг изланишлари таҳлил этилди.

Семинар-кенгашда иштирок этган маданият арбоблари ва мутахассислар республикада болалар ҳаваскорлик санъатининг ютуқлари, камчиликлари ва проблемалари ҳақида атрофича тўхталдилар. Улар иккинчи Бутуниттифок халқ ижодий фестивали янажик санъатсаварларнинг изланишлари янада самарали бўлишида катта аҳамият қўйишга алоҳида таъкидлашди.

А. ЮСУПОВ.

СПОРТ

КУРАШ:

МУНОСИБ ҲИССА

АҚШнинг Толидо шаҳрида эркин кураш бўйича жаҳон кубоги учун 14-март мусобақа ўтказилди. Беллашуларда СССР, Куба, Миср, АҚШ, Монголия, Австралия командалари иштирок эттиди. Совет полковлари кўтаринки руҳда беллашиб 12-март Жаҳон кубогини қўлга киритдилар. Бу галабага СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери тошкентлик А. Фадзев билан унинг ҳамшахри М. Хадарев муносиб ҳисса қўшдилар.

ФУТБОЛ:

ХОТИРА СОВРИНИ

«Пахтакор» командаси хотира соврини учун анъанавий турнир давом этмоқда. Мусобақа Тошкент, республика областлари ҳамда Ленинобод стадионларида ўтказилмоқда. Мусобақада 17 команда уч гуруҳда куч синашмоқда. 29 мартда ярим финалчилар аниқланди. Ҳозирча «Соҳибкор» (Халқобод), «Динамо» (Самарқанд), «Автобилист» (Наманган) командалари ўз гуруҳларида пешқадамлик қилишмоқда.

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

АМАЛИЙ НАЗОРАТ

Ниқоб йиртилди

Ғарбий Ўзбекистон гидрогеология экспедициясининг Қашқадарь партияси бошлиғи И. Васиев кадрларни таллашнинг антиқа йўлини топти. У ишга, асосан ўзининг қариндош-уруғларини олаверди.

Уялиб-қимтиниб ўтиришга ҳолат борми, деб ўйлагандир, ҳойнаҳой Васиев, уруғ-аймоғим кўп, қанча мутахассис керак бўлса, ўшанақиси топилади. «Мўмай» пул топишда жигарларингга ёрдам беришини ҳам гапти бор, «Хотамтой» деган номга сазовор бўлсан. Шу аснода бошлиқ меҳнат коллективи эмас.

балки қариндош-уруғлар коллективини «бунёд этди». Акаси Р. Ризов инженер-гидролог этиб тайинланди. Яна бир акаси А. Ниёзовни машина рулига ўтказиб қўйди. Яқин таниши Р. Жаббаровни катта техник-гидрогеолог бўлиб, деб буйруқ чиқариб юборди. Ўз рафиқасининг илтимосини инобат олмай бўладими? Шунинг учун ҳам қайнағаси В. Тожибоевни ва унинг хотинини турли лавозимларга тайинлади.

Лекин оилавий аломатларга қараб ишлаб чиқариш коллективини «тузишни» ниҳоятда етказма олмади.

Бунга Когон район халқ контроли комитетининг текшируви халал бериб қолди. Назоратчилар бошлиқнинг маъмурий ўзбошимчилиги фактларини ҳам аниқлади. Масалан, 1982 йилнинг қиш фаслида С. Мансуров деган одам қоровул бўлиб ишлаган экан. Аммо у бўшақ кетганидан кейин ҳам (бу кишининг ишдан кетиши ҳужжатларда акс этмади) унинг маошини И. Васиевнинг қариндошларидан бири Т. Қодировга қанда қилмай олиб турган. Оз эмас, кўп эмас 1800 сўми у шу тариқа ўмариб кетган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI

плениуми қарорларига мос келмайдиган «Хотамтой» оқлаш учун қилмиши район халқ контроли комитетини маъмурият қилинганда И. Васиев тутируқли бир гап айтди олмади. Хизмат лавозимини суниётсизмол қилгани учун унга виговор эълон қилиниб, пул начети қилинди. «Хотамтой» ниқоби олиб ташланди. Лекин адолатли савол турганида: Ғарбий Ўзбекистон гидрогеология экспедициясининг раҳбарлари итара ана шу ноҳуш воқеалардан беҳабаридилар?

А. ФОЗИЛОВ, ЎзТАГ муҳбири.

Тингланг, томоша қилинг

27 МАРТ, ПАЙШАНБА

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МОСКВА-1. 9.00 — «Время». 9.45 — Мультфильмлар. 10.30 — «Сўхатчилар клуби». 11.30 — «Асли болалар». 12.15 — «Халқ ижодийи». 12.45 ва 15.00 — Янгиланар. 15.20 — Хужжатли фильмлар. 16.05 — «Волкайлар». Бадий фильм. 1-сери. 17.20 — Концерт. 17.30 — «...16 йилгача бу ундан қатталар». 18.15 — Хужжатли фильм. 18.45 — «Фан ва турмуш». 19.05 —

Мультфильм. 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Сўзни амалда иш билан оқла». 20.00 — Хужжатли фильм. 20.10 — «Будулайнинг қайтиши». Бадий фильм. 2-сери. 21.30 — «Время». 22.05 — Халқаро театр кун. 23.25 — «Дунё воқеалари».

22.55 — «Ойга сўхат». Бадий фильм. 3-сери. 13.50 — «Қишлоқ аниқликлари». 14.50 — «Учувчида меннинг ҳавлим». Бадий фильм. 16.00 — Концерт. 17.10 ва 18.30 — Янгиланар. 18.50 — Концерт. 19.00 — Оренбург телевидение студиясининг программаси. 20.00 — Ритмик гимнастика. 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.45 — «Беш масала». 21.15 — «Агар соғлом бўлай десанг». 21.30 — «Время». 22.05 — «306-иш». Бадий фильм. 23.20 — Концерт.

ТОШКЕНТ-1. 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50 — «Салом кичкинтойлар». 8.00 — «Ижод ва излаш». 8.30 — «Тонгги тароналар». 8.30 — «Ахборот». 18.00 — Янгиланар. 18.15 — «Эшак». 18.45 — «Адабий театр. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Амалий даярла суҳбат». 20.20 — Хотира кун. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Эр-тага — премьер». ТОШКЕНТ-2. 9.00 — 17.15 — «Амалий даярла суҳбат». 17.20 — Фильм-концерт. 17.45 — ЎзССР тарихи.

18.10 — «Тўғиш». Бадий фильм. 19.25 — Хужжатли фильм. 20.10 — Реклама. 20.20 — Эстетика асослари. 21.00 — «Янги урф-одатлар — ҳаётга». 21.30 — Москва-11. РАДИО БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбекистон композиторларининг кўшиқлари. 9.30 — Най наволари. 9.40 — «Хўжа» ҳақида ҳикоя». 11.15 — Вола-лар учун эшиттириш. 12.10 —

«Транспорт ишчиси». 13.00 — «Малши». 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.40 — «Саволларингизга жавоб берамиз». 17.00 — Ҳужжатли учун эшиттириш. 18.15 — «Партия ва халқнинг содиқ фарзанди». 18.30 — «Биргаликда кўйлаймиз». 18.40 — «Аллага». 19.25 — «Юности Ўзбекистана». 21.00 — Халқаро кундалик. 21.10 — «Қармоқ». 21.30 — «Чорводорлар. Сиплар учун». 22.30 — Халқаро театр кунига. 23.20 — «Тинглаб, дам оламиз».

РЕКЛАМА * ЭЪЛОНЛАР



БОЛАЛАР СТРАХОВАНИЕСИ— БОЛАЛАР ҲАҚИДА ГАМХЎРЛИК

ҲАММАМИЗ ХАМ БОЛАЛИКНИ БОШДАН КЕЧИРГАНМИЗ. ЯНГИ МЕХМОННИНГ ДУНГА КЕЛИШИ ОЙЛАГА ҚАНЧАДАН-ҚАНЧА ҚУВОН ҒАБИШЛАШИ МАЪЛУМ. БИЗНИНГ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ МУҲТОЖЛИК НИМАЛИГИНИ БИЛИШМАЙДИ.

Совет давлати ҳамма жабҳада: соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат таъминоти, хоҳ дам олиш, хоҳ билим олиш соҳасида бўлсин улар ҳақида гамхўрлик кўрсатиб келмоқда.

Вақт ўтиб борапти. Гўё кичкинтойимиз кўни кеча мурғак чақалеб эди. Бугун — мактаб ҳам ортда қолди. Олдинда мустақил ҳаёт турибди. Ҳар ким ҳам ўз ўғли ёки қизига эсдалик совғаси тортиқ қилишни истайдиган. Бундай кезларда сизга болалар страхованиеси шартномаси ёрдам беради.

БОЛАЛАР СТРАХОВАНИЕСИ ШАРТНОМАЛАРИНИ ОТА-ОНАЛАР ВА БОЛАЛАРИНИНГ БОШҚА ҚАРИНДОШ-УРУҒЛАРИ ТУЗИШЛАРИ МУМКИН. АММО ШАРТНОМА ТУЗИЛАТГАН ПАЙТДА БОЛАНИНГ ЁШИ 15 ДАН ОШМАСЛИГИ КЕРАК.

Маъмур шартнома бўйича страхование муддати тугагач, келишилган страхование пули страхование қилинган қиз ёки ўсмирга тўланади.



ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕСИ БОШ БОШҚАРМАСИ.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг РЕСПУБЛИКА РУС ТИЛИ ВА АДАБИЕТИ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

1986 йилга ҚУНИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БУЙИЧА Ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажрамалган ҳолда ўқиш учун АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

совет адабиёти, рус тили, миллий мактабларда рус тили ўқитиш методикаси, миллий мактабларда рус адабиёти ўқитиш методикаси.

Аспирантурага кирувчилар талланган ихтисосидан, КПСС тарихидан ва чет тилларининг бирдан олий ўқув юрти программаси ҳажмида кириш имтиҳонини топирадилар.

Аспирантурага кириш ҳақида институт ректори номига ёзилган аризага қўйиладиган ҳужжатлар кўшиб топирилади: олий ўқув юртига тугатганлиги тўғрисидаги дипломнинг тасдиқланган нусхаси (завет ведомостидан кўчирма билан бирга), сўнгги иш жойидан характеристика, таржimai ҳоли, кадрлар ҳисоби бўйича шахсий варақа, 2 донга 6Х9 см. ва 2 донга 3Х4 см. ҳажмдаги фотосурат, эълон қилинган илмий ишлари рўйхати ва улар ҳақида билдирилган фикрлар, меҳнат стаж ҳақидаги ҳужжат (меҳнат дафтарчасидан кўчирма, иш жойида тасдиқланган), соғлиғи тўғрисидаги медицина справкиси (286-форма).

Эълон қилинган илмий ишларга эга бўлмаганлар талланган ихтисос бўйича реферат (докладлар) тақдим этадилар.

Аспирантурага кириш учун имтиҳон топиришга қўйилганларга кириш имтиҳонларини топиришга, таъйинлаш ва имтиҳонларни топиришга учун иш жойидан иш ҳақи сақланган ҳолда 30 календар кўни отпусқа берилади. Отпусқага ўқув юртига бориш ва қайтиб келиш учун иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча отпусқа берилади. Ариза ва ҳужжатлар 20 апрелгача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари 15 майдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: 700110, Тошкент шаҳри, 110-алоқа бўлими, академик В. В. Репетов кўчаси, 4-уй.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг БИОХИМИЯ ИНСТИТУТИ

вакант вазифалари КОНКУРС

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

лабораторияларнинг ки-чик илмий ходимлари: цито-экология, молекуллар биология.

Конкурс муддати — 3 апрелгача.

Мурожаат учун адрес: 700125, Тошкент шаҳри, 125-алоқа бўлими, М. Горький проспекти, 56-уй.

КОЛХОЗ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗГЛАВЗООВЕТСНАБ»

«Зовветснаб»нинг Қора-қалпоғистон республика ва

област бошқармаларида

колхозчиларнинг меҳнат

дафтарчалари борлигини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Меҳнат дафтарчаларини олиш учун марҳамат қилинг!

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиозинтириш давлат комитети коллективни республика радиосининг диктори Т. Яндошевга онаси

МУАЗЗАМ

ЙУЛДОШЕВНИНГ

вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, г.п. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-54-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.